

Сийрат дарслари (33-дарс)



15:40 / 17.05.2019 4477

183. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким муоҳидни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди. Ҳолбуки, унинг ҳиди етмиш йиллик масофадан келиб туради», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Муоҳид – аҳдлашган, аҳдномаси бор шахс.

* * *

184. Сафвон ибн Сулаймдан, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларининг бир неча ўғилларидан, улар оталаридан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир аҳдлашган (ғайридин) кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини поймол этса ёхуд уни тоқати етмайдиган нарсага мажбур қилса ёки ундан ўз розилигисиз бир нарса олса, Қиёмат куни мен ўша одамнинг хусуматчиси бўламан»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

* * *

185. Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қурайш мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганимда қалбимга Ислом тушди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, уларнинг олдига сира-сира қайтмайман», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, мен аҳдимни бузмайман, элчини тутиб қолмайман. Аммо сен қайтиб бор. Агар ҳозир ичингдаги нарса кейин ҳам бўлса, қайтиб кел», дедилар. Кетдим. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтиб келиб, муслмон бўлдим».

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

186. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Нажд тарафдаги ғазотда бўлдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга изо дарахти кўп бўлган водийда етиб олдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир дарахт тагига тушиб, унинг шохларидан бирига қиличларини осиб қўйдилар. Одамлар водийга тарқалишди. Дарахтлар остида сояланишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ухлаб ётганимда, манави қиличимни олибди. Уйғонсам, бошимда қилич яланғочлаб турибди ва менга: «Сени мендан ким қутқаради?» деди. «Аллоҳ», дедим. Кейин иккинчи марта яна: «Сени мендан ким қутқаради?» деди. «Аллоҳ», дедим»,** дедилар ва қилични қинига солиб туриб: **«Ана у, ўтирибди»,** дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қайрилиб ҳам қўймадилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан